

## ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАДНИНГ “ЖОДИ” ҲИКОЯСИДА ПСИХОЛОГИК ТАСВИР

**Раҳмонова Хуршида**

ТошДЎТАУ катта ўқитувчиси,  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

**Аннотация.** Ушбу мақолада адиб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жоди” ҳикоясидаги тарихий шахс, у яшаб ўтган давр муҳити, қаҳрамон фикрлари, туйғуларининг ифодаланиши таҳлилга тортилди. Қаҳрамон руҳиятини очиб беришда психологик тасвир воситаларинг ўрни тадқиқ этилди.

**калит сўзлар:** тарихий шароит, қаҳрамон руҳиятининг индивидуаллиги, персонаж нутқи, портрет тасвири, бадиий маҳорат.

Инсон руҳиятининг таҳлили, уни теран ҳис қилиш, англаш ва тасвирлаш маҳорати адабиётнинг туб моҳиятини белгиловчи омилларидан биридир. Бадииятнинг ажралмас қисмларидан бири бу – психологик таҳлилдир. Бадиий адабиётда инсон психологияси, руҳияти, кечинмалари, мураккаб туйғулари тасвирланган асарлар энг яхши асарлар ҳисобланади. Бадиий асарда инсон руҳини, инсон қалбини қай даражада очиб берилиши ёзувчининг маҳоратига боғлиқ. Бунинг учун ёзувчи, аввало, психолог бўлиши керак. Психолог бўлиш дегани бу – инсон руҳиятини англаш, унинг хатти-ҳаракатларининг сирли томонларини тушуниш, унинг ботиний оламини идрок этиш, бир сўз билан айтганда инсонни ўрганишдир.

Ўзбек адабиётида инсон психологиясини тасвирлашга алоҳида эътибор берган ёзувчилар бор. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Хуршид Дўстмуҳаммадларнинг инсон руҳиятини бадиий асарларда ифодалаш маҳоратларини ҳисобга олиб психолог-ёзувчилар деб аташимиз мумкин. Ўзининг бир неча китоблари билан китобхонлар

қалбига кириб борган Хуршид Дўстмухаммад инсон ва унинг қалби, жамиятда тутган ўрни, фикрлари, мураккаб туйғулари ҳақида ёзади. Шундай асарларидан бири “Жоди” ҳикоясидир. Адиб бу ҳикояда етти йиллик урушда енгилган Франциянинг шон-шуҳратини, обрў-эътиборини тиклашга уринган ва шу йўлда мудҳиш хатоларга йўл қўйган Жозеф Гильотиннинг ҳаёт йўли, унинг ўзигагина хос бўлган индивидуал психологик хусусиятларини маҳорат билан тасвирлаган. Жозефнинг ватанпарварлиги шундан иборат эдики, у қайси йўл билан бўлса ҳам француз халқининг обрўсини, халқаро нуфузини нафақат Европада, балки бутун дунё олдида тикламоқчи эди. Жозеф бу ҳақида кўп ўйлайди. Кунларнинг бирида у газетадан “ўлим жазосининг италянча ижроси” деган жумлани ўқиб қолди. Аввалига ажабланди. Аммо бирданига мудраб қолган шуурида гўёки чақмоқ чаққандек бўлди. У инсоният тарихида учраган барча ўлим жазосининг турларини ўрганиб чиқди. Жозеф Гильотиннинг фикрича, энг олий жазо – ўлим жазосининг ижроси учун фақатгина французларга хос бўлган усулни яратиш ва унга қонуний тус бериш Франциянинг, француз халқининг нуфузини, шон-шуҳратини оширар эди. Бу кашфиёт махсус тифдор ускуна ёрдамида инсон бошининг танасидан жудо қилиниши эди. У бу воқеаларни умрининг сўнги кунларида шундай хотирлайди: “–1789 йилнинг декабри эди. Парламент мажлисида илк дафъа ғояни депутатлар муҳокамасига тақдим этдим. Мен тақлиф этаётган ташаббусдан тенглик, демократия, азоб бермаслик, ҳаётнинг сўнги лаҳзаларида нафас олиб турган маҳкумни кўз очиб юмгунча, ҳа-ҳа мана шунга алоҳида эътибор қаратишларингни истардим – кўз очиб юмишга улгурмай жазо ижро этилиши кўзда тутилган эди. Бундай энг қулай қатл этиш чоғида маҳкумнинг жони оғришига ҳам улгурмаган. Тушуняписизларми, калласи чўрт этиб узиб ташланганини унинг ўзи ҳам сезмай қолган. Мана шу чўнг афзаллиги боис чопқили дастгоҳ ёрдамида бошни танидан жудо этиш ўша замонларга қадар фақат ва фақат бой-бадавлатлар, дворянлар, атоқли шахсларга имтиёз сифатида қўлланган, қора халқ эса энг ибтидоий ва энг тубан усулларда у

дунёга равона қилинган. Отнинг думига боғлаб ер билан яксон қилиш, тириклайн ўтга ташлаш, ҳали жони узилмаган одамни кум-тупроққа кўмиб юбориш.... французлар азоб берувчи бундай бадбин таҳқирлашларга барҳам бермоғи керак деган ғояни илгари сурдим. Ўйлаб кўрилса, олий жазо ижросида ҳам юксак инсонпарварлик тамойилларини намоён этиш ва шу орқали халқ ўзининг юксак маънавиятга дохиллигини кўз-кўз этмоғи мумкин экан”<sup>1</sup>.

Психологик ҳодисалардан бири бу инсоннинг нуткидир. Қаҳрамоннинг ҳис-туйғулари, кайфияти, фикрлари, борингчи ички дунёси унинг нутқи орқали ифодаланади. Жозеф образининг нутқи орқали унинг ўзига хос характерга эга инсон қиёфасида кўришимиз мумкин. У ўзининг нутқи орқали гўёки инсонпарварлик, тенглик, демократик ғояларни илгари сургандек бўлади. Аслида, инсониятга ўлим жазоси учун махсус ускуна яратиш инсонпарварлик ғояларига мутлоқо тўғри келмайди. У ўз ғояларига қиролни, депутатларни, парламент аъзоларини ишонтира олган шахс эди. Ҳар бир кашфиёт, аввало, ўз замонасининг эҳтиёжи туфайли туғилади. Жумлаган, Жозефнинг ихтироси ҳам. Француз халқининг етти йиллик урушда бой берган обрўсини, нуфузини тикламоқчи эди. Кейинчалик эса юрт шаъни, ватан манфаъати билан боғлиқ ўй-хаёллари ўзининг шон-шуҳратини ошириш билан биргаликда қоришиқ ҳолда ифодаланган. Баъзида Жозеф характеридаги кечинмалар ривожини муаллиф томонидан тушунтирилади. Муаллиф изоҳи орқали қаҳрамон руҳиятидаги хурсандчилик ва алам, ўз ишидан, қилган ҳаракатларидан завқу шавқ тўйиш ҳиссларини кўришимиз мумкин. Инсон сўнгги бора сўзлаш имконияти борида, айниқса, ўлим жазоси тайин қилиб қўйилган бир пайтда ҳаётининг яхши-ёмон кунларини бир-бир хотирасидан ўтқзади, қалбидаги бор ҳис-туйғуларини, дилидаги сўзларин кимгадир тўкиб сочгиси келади. Жозеф ҳам барча қилган ишлари ортида ватан шуҳрати, юрт шаъни турганлиги айтиб ўзини бир оз оқламоқчи бўлади. Бу туйғу тезда иккинчи бир туйғу билан алмашинади. Яъни қаҳрамон тиғдор ускуна “жоди”нинг яратиш жараёнидаги завқ-у шавқни, ўз

<sup>1</sup> Хуршид Дўстмухаммад. Қичкирик хикоялар тўплами. Тошкент, 2014, 83-84-бет.

фикрларидан, ишидан қониқиш, машҳурлик супасига кўтарилган онларини эслагани сайин руҳида ажиб бир енгилликни ҳис қилади. “Психоанализда “эгоизм” деган тушунча бор. Бунга кўра, инсоннинг хатти-ҳаракатлари, қатъиятию беқарорликлари асосида “ички мен” деб аталмиш ядро туради”<sup>2</sup>. У фавқуллоддаги вазиятларда ҳам инсон фаолияти устидан ҳукмдорлик қилади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, Жозеф қалбидаги ватанпарварлик билан бирга унинг “ички мени”даги шон-шуҳратга, машҳурликка интилиш туйғуларини ёнма-ён қўяди. “Жозеф жумла адоғига нуқта қўйдию елкасидан тоғ ағдарилгандай ўзини шу қадар енгил сездими!.. Азбаройи, учқур отга айланиб, бутун Франция кўчалари бўйлаб қуюн янглиғ югуриб ўтаётгандек!.. Азбаройи бутун мамлакат аҳолиси адоқсиз олқишлар билан унга пешвоз чиқишга ҳозирлик кўраётгандек!..”<sup>3</sup> Ҳар бир инсон ўз даврининг маҳсули, жамият аъзоси. У даврларда шундай эди. Халқ номи, нуфузини оширишга қаратилган ҳар бир янгилик қадрланган, эъзозланган. Халқ ҳам бу кашфиётни илиқ, хуш кайфиятда кутиб олган. Қатлгоҳ сайлгоҳга айланиб кетган. Жозеф Гильотин шарафига тиғдор қатл ускунасини “Гильотин” деб аташган. Хуллас, Жозеф Гильотин халқ қаҳрамонига айланиб улгурган. Унинг кашфиёти халқ психологиясига, руҳиятига шу қадар кучли таъсир қилганки, ҳатто туппа-тузук бир аёл “Гильотон”да жон бериш учун оғир жиноятга қўл урган... Буларнинг барчасидан халқнинг Гильотинга нисбатан ҳурматини, ишончини, меҳр-муҳаббатини кўришимиз мумкин. Хўш, Жозеф Гильотин ким? Бу саволларга бирданига жавоб бериш анча мушкул. Қамоқхонада унга берилган саволлардан бирига қуйидагича жавоб беради. “— Французлар Европадагина эмас, бутун дунё олдида обрў-эътиборини йўқотди. Ваҳоланки, аслини олганда, французлар ақл-идрокининг юксаклиги билан Европада анча илғор саналади, худди шунинг учун ҳам халқимиз мана шундай инқирозга юз тутган паллада ўзини халқига садоқатли деб билган ҳар бир француз хотиржам ўлтиришга

<sup>2</sup> Жўракулов Узоқ. Худудсиз жилва. – Т.: Фан нашриёти, 179-бет

<sup>3</sup> Хуршид Дўстмуҳаммад. Қичқирик хикоялар тўплами. Тошкент, 2014, 79-бет

ҳаққи йўқ деб ҳисоблаганман”<sup>4</sup>. Бундай нутқ орқали Жозеф характерида, ботиний оламида мавжуд жонкуярлик, ватанпарварлик ғояларини кўришимиз мумкин. Балки у даврларда шундай ғояларга, кашфиётларга эҳтиёж сезилгандир. Инсонни жонини тигдор ускуна ёрдамида олиш ватанпарварлик ниқоби остида ёпилиб кетгандир, эҳтимол. Аммо, бу нарса умуминсоний кадриятларга, инсонпарварлик ғояларига мутлоқо зиддир. Жозефнинг ватанпарвар бўлганлиги яхши, албатта. Аммо у йўналишни тўғри танлай олмаган, деб ҳисоблайман.

Ёзувчи Жозеф Гильотон образида мураккаб характерга эга, кучли руҳият эгаси, ўзига ишонган, оғир-вазмин, билимли инсон қиёфасини тасвирлаган. Жозеф руҳияти ёлғизликка мойил. У турли хил беъмани суҳбатлардан кўра ўзи ва қалби билан ёлғиз қолишни, ҳаёт йўли, умри, қилган ишлари ҳақида ўйлашни, мулоҳаза қилишни хоҳлайди. Ёзувчи кўпинча унинг мусибатли онларини хатти-ҳаракатлари орқали ифодалаб берган. “Жозеф жаноблари бошини сарак-сарак тебратганича оғир-оғир қадам ташлаб , камераннинг олис бурчаги томон кетди”<sup>5</sup>. Оғир-оғир қадам ташлаган инсоннинг ичидаги дарди ҳам, ғам-ғуссаси ҳам оғир бўлади. Чунки юракдаги оғир дард, қайғу унинг хатти-ҳаракатларида ҳам намоён бўлади.

Поэтанинг муҳим воситаларидан бири бўлган қаҳрамон портрети Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ҳикояларида образлар руҳиятини очишда катта роль ўйнаган. “Бадий асарда портрет тушунчасини биргина образнинг ташқи қиёфаси билан чеклаб бўлмайди. Чинаккам сўз устаси ҳамиша ташқи кўриниш орқали қаҳрамонларнинг маънавий-руҳий оламига киришга интилади”<sup>6</sup>. Бадий асарда портретнинг вазифалари турлича бўлади. Бироқ портретнинг энг муҳим характери, унинг кўпроқ психологик портрет бўлишидандир. Психологик портрет ёзувчига қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси орқали унинг руҳий дунёсини очишга ёрдам беради. Хуршид Дўстмуҳаммад “Жоди” ҳикоясида

<sup>4</sup> Ўша китоб, 75-бет

<sup>5</sup> Ўша китоб, 116-бет

<sup>6</sup>Н. Шодиев. Руҳият рассоми. Тошкент, 1977, 27-бет

қахрамонлар ташқи кўринишини бирданига тўлиқ бермайди, балки бутун асар давомида қисқа жумлалар орқали кўрсатади, яъни бўлак-бўлакларга бўлади. Бунинг ўзига яраша афзалликлари бор, чунки угал тасвирланган портретда қахрамоннинг ички ҳаёт олами мукамал ифодасини топмаслиги мумкин. “Ҳамон тик турган – оқ-сарикдан келган, юзлари хийла сўлғин, лекин ботиний хотиржамлик ва ишонч далдасида ўзини бардам тутишга ҳаракат қилаётгани сезилаётган кекса маҳкум ёнгинасидаги курсида бошини солинтирганича ўтирган шеригига савол назари билан қаради”<sup>7</sup>. Дастлаб Жозеф Гильотин китобхонга ана шундай таништирилади. Кейин унинг ҳорғин чехраси, ҳорғин нигоҳи, болаларча табассуми, мийиғида ва ғолибона кулгилари, бевосита қилиқлари, ҳолатлари, баданини совуқ тер қоплаши, кўзойнаги остидаги хушбичим бурни, ҳаракатлари, муомалалари воқеалар ривожидан давомида бериб борилади. Ёзувчи портрет характеристикасини кенгайтирган сари Жозеф Гильотиннинг ички дунёсини очиб беради, натижада ҳар бир портрет детали психологик моҳият касб этади.

Асар сўнгида ҳам Жозефнинг психологияси ўзига хос тарзда ифодалаб берилган. Ўлим жазосига ҳукм қилинган, ўзи яратган тифдор “гильотин” ускунасида боши танасидан жудо қилинишга ҳукм қилинган Жозефни олиб кетиш учун бетига қора ниқоб тортилган кўланка кириб келади. Охириги тилаклари сўралганда у мулозимга шундай дейди: “ – Елкамга чакмон ташлаб қўйинглар, илтимос... – Совуқдан танамда қалтироқ турса, томошабинлар мени кўрқайтганга чиқармасалар деган хавотирим бор, холос...”<sup>8</sup> Умрининг сўнги дақиқаларда ҳам у ғурури, шаъни ҳақида ўйлайди. Юрагидаги ваҳм, кўркувни енгишга ва буни халққа билдирмасликка ҳаракат қилган. У ҳамиша халқ нигоҳида, хотирасида қатъиятли, кўрқмас, ўзига хос характерга эга қахрамон сифатида қолишни истаган. Халқимизда шундай мақол бор. Бировга чуқур

<sup>7</sup> Хуршид Дўстмуҳаммад. Қичкирик хикоялар тўплами. Тошкент, 2014, 72-бет

<sup>8</sup> Ўша китоб 117-бет

қазисанг, ўзинг йиқиласан. Жозеф ҳам ўзи яратган ихтиронинг сўнги қурбонларидан бири бўлиб тарихда қолди.

Ҳаёт ҳамиша ўзгариб, унда бўлган барча ҳодисалар зиддиятлар кураши тарзида намоён бўлганидек, Хуршид Дўстмуҳаммад қаҳрамонларининг рухий олами ҳам қарама – қаршилиқлар, туйғулар, орзу ва тилақлар асосида ўз ифодасини топган. Инсон руҳини бундай жараёнда, зиддиятлар асосида кашф қилиш ёзувчининг маҳоратидан дарак беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
2. Дўстмуҳаммад Х. Қичкириқ ҳикоялар тўплами. Тошкент, 2014.
3. Жўрақулов Узоқ. Худудсиз жилва. – Т.: Фан нашриёти, 2007.
4. Исаева Ш. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари. Фил.фан.номз... дисс. – Т.: 2001.
5. Н. Шодиев. Руҳият рассоми. Тошкент, 1977.